

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА СОҚИЙНОМА (ГЕНЕЗИСИ,
ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ, ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Асадов Максуд Хусенович

Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари,
поэтик хусусиятлари)..... 3

Асадов Максуд Хусенович

Саки-наме в узбекской классической литературе (генезис, этапы
развития, поэтические особенности)..... 33

Asadov Maksud Khusenovich

Sakiynama in uzbek classical literature (genesis, stages of development,
system of poetics).....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works74

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА СОҶИЙНОМА (ГЕНЕЗИСИ,
ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ, ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
(филология фанлари)**

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.1.DSc/Fil123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ҳаққулов Иброҳим филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Тўхлиев Боқижон филология фанлари доктори, профессор
	Абдуқодиров Абдусалом филология фанлари доктори, профессор
	Каримов Баходир филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Каримов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

Ж.Эшонқулов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
бир марталик раиси в.б., филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида шеърӣ жанрларнинг тарихий-генетик асослари, шаклланиш жараёни ва тадрижий ривож қонуниятларини ойдинлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами кенгайди. Натижада ҳар бир халқ ёзма адабиётидаги жанрлар тизимининг шаклланиши ва бадиий эволюцияси воқеликни поэтик идрок этиш билан боғлиқ миллий-локал хусусиятларга эғалиги аниқланди. Бу эса Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, ўзбек адабиёти ривожда алоҳида ўрин тутган соқийноманинг мустақил шеърӣ жанр сифатида шаклланиш тарихини тадқиқ этиш, унинг тадрижий тақомили жараёнини аниқлаш ва ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятларини асослашда муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳар бир халқ адабиётидаги шеърӣ жанрларнинг генезиси миллий поэтик тафаккур тараққиёти билан бевосита боғлиқлиги тўғрисидаги илмий концепция соқийноманинг образ ва тимсоллар тизимини тавсифлаш имконини беради.

Дунё адабиётшунослигида ҳар бир шеърӣ жанрнинг ўзига хослиги унинг поэтик ифода шакли, образлар тизими ва воқеликни бадиий талқин қилиш усули билан белгиланиши асослаб берилган. Жумладан, Шарқ халқлари адабиётшунослигида соқийнома жанрининг мумтоз адабиётдаги мавқеи, унинг юзага келиши ва тараққиёт босқичлари, соқийномаларнинг маъно, образ, мажоз олами, тасвир йўли ва поэтик воситаларини тадқиқ этиш асносида муҳим илмий натижаларга эришилган. Бу эса Шарқ, ўзбек мумтоз адабиётида соқийноманавислик анъанасининг шаклланиш тарихини ойдинлаштириш ва Навоий соқийномасининг туркий халқлар адабиётига таъсирини ёритишга асос бўлади.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигида мумтоз шеърӣятнинг илгари илмий муомалага киритилмаган янги адабий манбаларини тавсифлаш, айниқса, шеърӣ жанрларнинг ҳаёт ва инсон тақдири билан боғлиқ томонларини кенгроқ мушоҳада қилиш, бадиий сўз санъатининг таъсир қуввати ва аҳамиятини тўғри баҳолаш тамойили шаклланди. Бу эса ёш авлоднинг ижтимоий-маданий қадриятлардан сабоқ олиш имконини янада кенгайтди. Зеро «адабиёт – жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришда, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она-Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга»¹дир. Бинобарин, мумтоз адабиётнинг анъанавий шеърӣ жанрлари, жумладан, соқийномалар ҳам халқнинг орзу-умидлари, маънавий қиёфасини ўзига хос шаклда акс эттириб, инсон қалбида ҳаётга муҳаббат ва яшаш завқини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги» қарори // Халқ сўзи. – 2017. – 14 сентябрь. <http://www.lex.uz/ru/docs/3338600?twolang=true>

кучайтиришга хизмат қилган жанр намуналаридир. Бу эса реал ҳаётга ниҳоят даражада яқин, жонли турмуш нафаси уфуриб турган, кўпинча ижодкор таржимаи ҳоли, у яшаган тарихий-ижтимоий, маданий муҳит ҳақида ўқувчида ёрқин тасаввур уйғота оладиган, ахлоқий, маърифий, ирфоний мазмунларни ифодаловчи соқийнома жанрининг ўзбек мумтоз адабиётида яратилган намуналарини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, унинг тарихий тақомилини Шарқ халқлари, қолаверса, ўзбек халқининг миллий-руҳий дунёси, асрлар давомида шаклланган маънавий-маданий қадриятлари, урф-одатлари билан боғлиқликда тадқиқ қилиш, ўз навбатида, дунё илм-фанини бундан хабардор этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Соқийнома жанри, унинг генезиси ва поэтикасини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Goethe (Германия), University of St Anders (Шотландия), University of Emory, University of Boston

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.ut.ac.ir, www.st-andrews.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.universiteitleyden.nl, www.ankara.edu.tr, www.avrasya.istanbul.edu.tr, www.mosgu.ru, www.anrt.tj, www.rtsu.tj ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(АҚШ), İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Россия давлат ижтимоий-гуманитар фанлар университети (РФ), Рус-Тожик (славян) университети (Тожикистон), шунингдек ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Соқийнома жанрининг поэтик хусусиятлари, унинг юзага келиш тарихи, тараққиёт босқичларини илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: риндона шеърларнинг жанр тараққиётидаги мавқеи аниқланган (University of St Anders, Scotland); маълум бир ижодкор соқийномаси мисолида мазкур жанрнинг айрим поэтик хусусиятлари очиб берилган (İstanbul Üniversitesi, Türkiya); усмонли турк адабиётида яратилган соқийномалар монографик тадқиқ қилинган (Ankara Üniversitesi, Türkiya); хамрият жанрининг ўзига хос жиҳатлари тавсифланган (Техрон университети, Эрон); риндона шеърларда ишлатилган образлар соқийнома жанрининг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги асосланган (Россия давлат ижтимоий-гуманитар фанлар университети, РФ); форс-тожик адабиётида соқийнома жанрининг муайян даврдаги тараққиёти, унинг тарихий-ижтимоий сабаблари ўрганилган (Рус-Тожик (славян) университети, Тожикистон), соқийнома жанрининг мазмун-моҳияти, генезиси, образлар тизими, поэтик хусусиятлари, тараққиёт босқичлари бир бутун тарзда тадқиқ этилган (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Дунё адабиётшунослигида соқийнома жанри бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: соқийнома жанрининг ўзига хослигини асослаш; соқийномадан ўрин олган образ ва тимсоллар моҳиятини очиб бериш; соқийноманинг юзага келиш тарихи, тараққиёт тамойилларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида соқийнома жанри ва унинг Шарқ мумтоз шеъриясида тутган мавқеини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Эрон адабиётшуноси Э.Ризоининг «Форс шеъриясида соқийнома», тожик олимлари Ф.Зехнийнинг «XIII – XV асрлар форс-тожик адабиётида соқийнома жанри» ва Ш.Сўфиевнинг «XVI – XVII асрлар форсий адабиётда соқийнома» номли ишлари алоҳида ажралиб туради¹. Уларда фақат муайян даврда ёзилган соқийномалар монографик тарзда тадқиқ қилинган.

Соқийноманинг жанр белгилари дастлаб Шайх Аҳмад Тарозийнинг XV асрда туркий тилда ёзилган «Фунун ул-балоға» ва XVIII асрга мансуб Ғуломалихон Озоднинг «Хизонаи омира» тазкирасида кўрсатиб берилган². З.Мўътаман, Аҳмад Гулчини Маоний, А.Козаруний, А.Мунзавий, М.Маҳжуб, М.Туробий каби Эрон олимларининг тадқиқотларида эса соқийнома жанрининг шаклланиши тарихи, форс адабиётидаги дастлабки соқийномалар,

¹ Ризоий Э. Соқийнома дар шеъри форсий. – Техрон: Амири Кабир, 1388 х. – 342 с.; Зехний Ф. Жанри соқийнома дар адабиёти форсу тожики асрҳои XIII – XV. – Душанбе: Дониш, 1991. – 110 с.; Суфиев Ш.З. Саки-наме в системе персоязычной литературы XVI – XVII веков: Дисс. ... канд.филол. наук. – М., 1990. – 186 с.

² Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазиана, 1996. – Б. 42 – 43.

мутрибнома, муғаннийнома ва соқийноманинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари очиб берилган¹.

Форс-тожик адабиётини тадқиқ қилган А.Е.Кримский, Е.Э.Бертельс, Ян Рипка, М.-Н.О.Османов, А.Мирзоев, А.Абдуллаев, Е.Г.Яковлевлар², араб шеърятини ўрганган И.Ю.Крачковский, И.М.Фильштинский, И.Ҳавий, Б.Я.Шидфар каби олимлар³ларнинг ишларида хамрият ва соқийнома жанри ҳақида фикрлар баён қилинган. Мазкур ишлар орасида араб шарқшуноси И.Ҳавийнинг «Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти» монографияси хамрият жанрининг соқийнома такомиллидаги таъсиридан баҳс юритилгани билан диққатга моликдир.

Соқийнома жанрига доир қайд ва маълумотлар Т.Кортантамер, А.Карахан, А.Жўшкун, Р.Жаним, М.Кузубаш, М.Арслан, Б.Дургунай каби турк олимларининг тадқиқотларида ҳам учрайди⁴. Усмонли турк адабиётида яратилган соқийномаларни махсус тадқиқ қилган Р.Жаним соқийноманинг тарихий такомилли масаласида бир қатор янги фикр-мулоҳазаларни илгари сурган. М.Кузубашнинг тадқиқотида Навъизода Атойи соқийномасидан баҳс юритилган бўлса, М.Арсланнинг китобида усмонли турк адабиётида яратилган соқийномаларнинг кўпроқ қофия тизими текширилган.

Ўзбек адабиётшунослари А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Р.Орзибеков, Ф.Набиев, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққуловларнинг ишларида соқийнома жанри ҳақида баҳс юритилган⁵. Улар орасида, хусусан, Ё.Исҳоқовнинг

¹ Мўътаман З. Шеър адабий форсий. – Техрон: Тобиш, 1332 х/ш. – 244 с; Аҳмад Гулчини Маоний. Тазираи паймона. – Техрон, 1359 х. – 274 с; Аҳмад Ҳусайн Козаруний. Соқийномаҳо (нигарише ба соқийномаҳо дар адабий форсий). – Техрон: Заввор, 1385 х. – 184 с; Мунзавий Али Нақий. Соқийномаҳои хатти / Дар бораи нухаҳои хатти. – Техрон: Нашриёти китобхонаи донишгоҳи, 1340 х. – С. 21 – 28; Муҳаммад Жаъфар Маҳжуб. Соқийнома-муғаннийнома // Сухан, 1339 х. – № 11. – С. 68; Туробий Муҳаммад. Ҳаким Низомий мубтакири соқийнома. – Ошно, 1370 х. – Озар-Дай. – С. 12 – 15.

² Қаранг: Крымский А.Е. История Персии, её литературы и дервишской теософии. I том. – М., 1915. – 218 с; Бертельс Е.Э. Избранные труды. I том. История персидско-таджикской литературы. – М.: Восточная литература, 1960. – 562 с; Бертельс Е.Э. Избранные труды. IV том. Наваи и Джами. – М.: Восточная литература, 1965. – 498 с; Рипка Ян. История персидской и таджикской литературы. – М: Прогресс, 1970. – 446 с; Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX – X вв. – М.: Наука, 1974. – 268 с; Мирзаев А. Рудаки и развитие газели в X – XV вв. – Сталинобод: Таджикгосиздат, 1958. – 72 с; Абдуллоев А. Адабиёти форсу тожик дар нимаи аввали асри XI. – Душанбе: Дониш, 1979. – 284 с; Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. – М.: Высшая школа, 1985. – 288 с.

³ Қаранг: Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том II. – М.: Наука, 1956. – 702 с; Фильштинский И.М. История арабской литературы. V – начало X века. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1985. – 524 с; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI – XII вв.). – М.: Наука, 1974. – 252 с; Ҳавий И. Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти. – Байрут, 1975. – 472 б. (араб тилида); Шидфар Б.Я. Абу Нувас. – М.: Наука, 1978. – 232 с.

⁴ Қаранг: Kortantamer T. Sakinamelerin ortaya çıkışı ve gelişimine genel bir bakış // Türk dılı ve edebiyatı incelemeleri dergisi. – İzmir: Ege üniversitesi Edebiyat fakültesi yayınları, 1983. – S. 81 – 90; Karahan A. Eski türk edebiyatı incelemeleri: Sakinameler. – Istanbul, 1980. – 176 s; Coşkun A.O. Sakinameler ve Kafzade Faizinin sakinamesi // Ondokuz mayıs üniversitesi Eğitim fakültesi dergisi, 1994. – № 9. – S. 52 – 64; Canım R. Türk edebiyatında sakinameler ve işratname. – Ankara: Akçağ yayınları, 1998. – 170 s; Kuzubaş M. Sakiname (Nev'izade Atayi). – Samsun: Etut yayınları, 2009. – 112 s; Arslan M. Saki-nameler. – İstanbul: Kitabevi, 2012. – 652 s; Durgunay B. Seküler hayatla tasavvuf arasındaki ilişkide köprü metinler: Sakinameler. – Ankara: Ihsan Doğramacı Bilkent üniversitesi, 2013. – 154 s.

⁵ Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 272 б; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 328 б; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – № 1. – Б. 16 – 23; Шу муаллиф. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б; Шу муаллиф. Низомий ва соқийнома жанри / Ганжалик даҳо. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – Б. 15 – 18; Шу муаллиф. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент:

тадқиқотлари диққатга моликдир. Чунки уларда, биринчидан, соқийноманинг ғоявий-бадий олами анча кенг ёритилган бўлса, иккинчидан, Низомий ва Навоийнинг бу борадаги тарихий хизматлари ҳаққоний баҳоланган.

Мазкур тадқиқот май поэтик образи ва у билан боғлиқ рамз ва символларнинг қадимий илдизлари, уларнинг риндона мавзудаги шеърлар, хусусан, соқийнома жанри такомилдаги ўрни, шунингдек, соқийнома жанри моҳияти, генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтикаси, образлар тизими, ўзбек мумтоз адабиётида яратилган соқийномаларнинг ўзига хос хусусиятлари монографик тарзда тадқиқ этилгани билан ўзидан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади. Шунингдек, тадқиқотда Муҳаммадризо Огаҳий, Аҳмаджон Табибий, Аваз Ўтар, Ғулом Расулхўжа, Махмур Коризий, Носир тўра – Султоний, Отабек тўра – Оқил, Очилдимурод Мирий, Мажзуб Намангоний ва Нодим Намангоний соқийномалари илк марта ўрганилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда ФА-Ф1-Г039 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» (2012 – 2016 йй.), ЁФ1-ФА-1-21136 «Анъанадаги тадрижийлик ва ижодий янгиланиш тамойиллари» (2013 – 2015 йй.), ОТ-Ф1-77 «Ўзбек адабиёти дурдоналари» (2017 – 2020 йй.) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос шеърӣ жанрларидан бири бўлган соқийноманинг генезиси, жанрий табиати ва специфик хусусиятларини ойдинлаштириш, соқийномачилик анъанасининг шаклланиш тамойиллари, поэтик эволюцияси ва тарихий-тадрижий такомил жараёнларини аниқлаш асносида соқийномаларнинг ғоявий-бадий олами ва Шарқ мумтоз адабиётида тутган мавқеини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– соқийнома характеридаги шеърларнинг мазкур жанр шаклланишидаги бадий-эстетик функциясини ўрганиш;

– Ғарб ва Шарқ адабиётшунослигидаги соқийнома жанрига доир тадқиқотларнинг ютуқ ва камчиликларини умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқариш;

– соқийноманинг поэтик хусусиятларига оид маълумотлар ва фикр-қарашларни яхлит бир тизимга келтириб, мазкур жанрнинг таърифига муайян аниқликлар киритиш;

– Навоийгача бўлган туркий шеърӣдаги ғазалларда соқийга мурожаат билан бошланган байтларнинг соқийноманинг вужудга келишидаги аҳамиятини очиб бериш;

Ўзбекистон, 2014. – 320 б; Орзибеков Р. Соқийномаларнинг жанр-услуб хусусиятларига доир / Адабиёт ва ҳаёт (илмий мақолалар тўплами). – № 6. – Самарқанд, 1980. – Б. 50 – 62; Шу муаллиф. Ўзбек классик поэзиясида мураккаб структурали жанрлар. – Самарқанд, 1984. – 132 б; Набиев Ф. Соқийнома – адабий-биографик манба сифатида // Халқлар дўстлиги – адабиётлар дўстлиги (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 1972. – Б. 101 – 104; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – 198 б.

– соқийнома характеридаги байтларнинг ўзбек мумтоз шеърлятида алоҳида босқич бўлганлигини лирик асарлар ва «Хамса» дostonлари орқали кўрсатиб бериш;

– Навоий соқийномасининг яратилиш тарихи, мавзу доираси, ғоявий асоси, маъно кирралари, бадий ўзига хослигини очиб бериш орқали соқийноманинг шоир лирикасида тутган мавқеини кўрсатиш;

– XV асрдан кейин ўзбек мумтоз адабиётда яратилган соқийномаларни тадқиқ этиш, уларнинг маъно, композиция, образ ва тасвирдаги трансформациялашув принципларининг сабабларини очиб бериш;

– XVI–XIX асрлар ўзбек мумтоз шеърлятида яратилган соқийномаларни илмий истеъмолга олиб кириш, ўзбек мумтоз шеърлятида соқийнома жанрининг тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний» тўплами, «Хамса» дostonлари ҳамда Фузулий, Огаҳий, Табибий, Аваз Ўтар, Ғулом Расулхўжа, Махмур Коризий, Очилдимурод Мирий, Носир тўра – Султоний, Отабек тўра – Оқил, Мажзуб Намангоний ва Нодим Намангонийларнинг соқийномалари олинди.

Тадқиқотнинг предметини адабиётшуносликда соқийнома жанрининг генезиси, тарихий тараққиети ва жанр хусусиятлари тадқиқи ва таҳлили асосида олинган илмий натижалар, соқийноманинг ўзбек мумтоз адабиётдаги тарихий-тадрижий ривожини ва ўрнини кўрсатувчи манба ва адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усулларида фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: ўзбек мумтоз адабиётдаги соқийномачилик анъанасига доир материаллар соқийнома жанрининг генезиси, поэтикаси, тараққиёт тамойиллари, образлар тизими ва ғоявий-бадий хусусиятларини ёритишнинг асосий манбаи экани далилланган;

Шарқ халқларининг май мавзуига алоқадор диний-мифологик қарашлари, эътиқодий инончлари ҳамда маросимий қадриятларининг мумтоз бадий адабиётдаги поэтик интерпретацияси соқийнома жанрининг юзага келишига асос бўлгани исботланган;

Шарқ мумтоз адабиётда, жумладан, ўзбек мумтоз шеърлятида Навоийгача яратилган соқийнома характеридаги алоҳида мисра, байт ва шеърлар, шунингдек, Навоий лирикасидаги риндона мавзу ифодалаган ғазаллар ва «Хамса» дostonларидаги соқийнома характеридаги байтлар таҳлили натижасида ўзбек мумтоз адабиётда соқийнома жанрининг юзага келиши учун муайян асос мавжуд бўлгани аниқланган;

Алишер Навоий соқийномасининг ўзбек мумтоз адабиётда тутган беқиёс ўрни, образ ва тимсоллар олами, тарихий-маданий ва бадий хусусиятларини тадқиқ этиш асносида Шарқ халқлари мумтоз адабиётдаги соқийномачилик анъанаси ўзбек адабиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлангани ойдинлаштирилган;

XVI–XIX асрлар ўзбек мумтоз шеърлятида яратилган соқийномаларнинг жанр хусусиятлари, муштарак ва фарқли жихатлари, ғоявий-бадий ўзига хосликларини таҳлил қилиш асносида XV асрдан кейинги давр туркий адабиётда яратилган соқийномаларнинг мавзу-маъно кўлами, композицион қурилиши, образ ва тасвирдаги поэтик трансформация жараёнлари Алишер Навоий соқийномасининг таъсири билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

соқийнома характеридаги шеърларнинг тарихий, маданий ва адабий асослари тадқиқ этилган китоб нашр қилинган. Бу эса илмий жамоатчиликка соқийноманинг илк илдизлари, риндона маъно ифодалаган шеърларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида аниқ ва имкон қадар тўлиқроқ маълумот етказиш имконини беради;

соқийнома жанри, унинг генезиси, тараққиёт босқичлари ва поэтик хусусиятлари устидаги изланишлар натижасида алоҳида монография чоп этилган. Ушбу китобда Огаҳий, Табибий, Аваз Ўтар, Султоний, Оқил, Нодим, Мажзуб, Мирий, Ғулом Расулхўжа қаламига мансуб 17 та соқийнома биринчи марта илмий жихатдан таҳлил ва тадқиқ қилинган;

Навоий соқийномасининг яратилиш тарихи, ғоявий асоси, маъно қирралари, ахлоқий-фалсафий хусусиятлари, бадий ўзига хослигини очиб бериш орқали соқийноманинг шоир лирикасида тутган мавқеи кўрсатилган;

XVI–XIX асрларда яратилган соқийномаларда Навоий ва Ғузулий манзумаларининг адабий таъсири аниқланган. Бу эса адабий муҳит, анъана ва издошлик масалаларига янада кенгроқ баҳо бериш имконини яратади;

соқийнома жанрининг шаклланиши, тарихий тараққиёти, ғоявий-бадий ўзига хослигини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган илмий хулосалар адабиётшунослик, навоийшунослик ва тасаввуфшунослик фанларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усуллари каби усуллар билан асослангани, ишончли назарий манбалар, кўлёзма, тошбосма китоблар ҳамда луғатлардан фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида соқийнома жанри, унинг мазмун-моҳияти, поэтик табиати, образлар тизими юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Соқийнома генезиси, тарихий такомилли, тараққиёт тамойиллари, бадиияти ва ўзбек мумтоз адабиётида мазкур жанрнинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги тарихи, адабиётшунослик назарияси, матншунослик, манбашунослик, навоийшунослик, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, соқийноманинг пайдо бўлиш асослари, унинг халқ оғзаки ижоди, миллатнинг ижтимоий, маиший турмуш маданиятига бевосита алоқадорлиги, Шарқ мумтоз адабиётида яратилган соқийномаларнинг қиёсий аспектда ўрганилиши, жанрнинг назарий масалаларига оид қарашлардан ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги, адабиёт назарияси, матншунослик, манбашунослик, тасаввуфшунослик, навоийшунослик каби йўналишларда талаба, магистр ва мутахассислар учун ўқув, услубий қўлланма, хрестоматия ва дарсликлар тайёрлашда ҳамда адабиётшунослик терминлари луғати, тасаввуф истилоҳлари луғати каби луғатларнинг яратилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари)» мавзусида эришилган илмий натижалардан:

соқийноманинг тарихий такомилли, тараққиёт тамойиллари, ғоявий-бадий хусусиятларини асослашда ФА-Ф8-032 рақамли 15 жилдлик «Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи» (2007 – 2011) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 10 мартдаги ФТК-0313/814-раямли маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз адабиётида яратилган соқийномаларнинг поэтик хусусиятлари, Алишер Навоий соқийномаси ва XV асрдан кейин ўзбек шеърлятида ижод қилинган мазкур жанр намуналарига унинг таъсири масалалари илмий далиллар асосида ўз исботини топган;

соқийноманинг тараққиёт босқичлари ва жанр поэтикасини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш, уни адабий-тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда илмий таҳлил қилиш, лирик жанрларнинг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларини очиқ беришда ФА-Ф8-035 рақамли «Ўзбек адабиётида турлар ва жанрлар» (2007 – 2011) мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги 3/1255-702 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши соқийнома жанрининг Шарқ шеърлятида тутган мавқеи, унинг ўзбек мумтоз адабиётида фаоллашув миқёси ва даражасининг ижтимоий-эстетик сабабларини аниқ баҳолаш имконини берган;

Навоий лирикасида қўлланган соқийнома жанрига оид образ ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришда ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007 – 2011) мавзуидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг «Навоий асарлари луғати» йўналишида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги 3/1255-702 рақамли маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар *соқий, май, шароб, майхона, ринд, пир, жом, қадаҳ, дайр, харобот, мутриб, муғанний, мастона* каби 20 га яқин сўз ва тушунчаларининг маъноларини бериш, *базм, базмгоҳ, дурдошом, журъа, журъанўш, мурод, мурид, нома, хотир, қатранўш, қўбуз, аёғ* каби 10 дан ортиқ истилоҳларнинг шеърлий матн таркибидаги изоҳини аниқ ва муфассал

кўрсатиш, буюк мутафаккирнинг салафлари, замондошлари ҳақидаги маълумотларни тўлдириш ва янада аниқлаштириш учун асос бўлган;

соқийноманинг тарихий-адабий асослари, хусусан халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатишда Ф1-ФА-2012-1-8 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жылдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш муаммолари» (2012 – 2016) мавзуидаги фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 10 мартдаги 3/1255-702 рақамли маълумотномаси). Илмий ишларнинг амалиётга жорий этилиши «*шароби антаҳур*» поэтик образининг ғоявий-бадий хусусиятларини ёритиш, «*сафар коса*» одати, соқийлик анъаналари, бўзахўрлик маросими ва унинг «Кунтуғмиш» достони бадииятидаги ўрнини очиқ бериш, «*яса-юсун*» маросимида куйланган соқий ва майни улуғловчи халқ кўшиқларини кенг шарҳлаш имконини берган.

Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан Туркия Жумҳурияти Карабук университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг «Диний-тасаввуфий халқ адабиёти матн таҳлиллари» (TED707), «Тасаввуф адабиёти» (TED227) дарсларида фойдаланилган. Натижада Марказий Осиё халқлари адабиётида соқийнома жанрининг генезиси, тараққиёт босқичлари ва ўзбек адабиётида тутган мавқеини белгилаш, Навоий, Фузулий, Табибий, Аваз Ўтар, Мирий, Мажзуб, Нодим каби ўнлаб шоирларнинг соқийномалари, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини мушоҳада қилиш, соқийнома жанри имкониятларни тўғри ва аниқ баҳолашга эришилган.

Тадқиқот натижаларидан Озарбайжон Билимлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг «Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари» бўлимида амалга оширилган илмий тадқиқотларда фойдаланилган. Диссертациянинг Навоий соқийномасида тасвирланган урф-одатларни назарий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш билан боғлиқ хулосаларидан Алмаз Улвийнинг «Алишер Навоийнинг илмий-филологик ва насрий асарлари» (Баку, 2019) монографиясида, шунингдек Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида келтирилган илмий қарашлардан «Алишер Навоий ва Сайид Ҳасан Ардашер» (Баку, 2019) номли тадқиқот ишида фойдаланилган. Натижаларнинг жорий қилиниши илмий изланишларни янги қарашлар билан бойитиб, тадқиқотларнинг мукаммаллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 32 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 14 та халқаро конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 56 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, 1 та илмий китоб, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 17 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 276 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Соқийноманинг поэтик хусусиятлари ва генезиси**» деб номланган. Унда соқийнома жанрининг ўзига хослиги, генезиси ва жанрнинг тараққиёт босқичлари тадқиқ қилинган.

Соқийнома атамаси, аслида, соқий ва нома сўзларининг қўшилишидан пайдо бўлган. Бобда «*соқий*» атамасига оид қарашлар А.Козаруний, Т.Ўнай, М.Кузубаш, А.Карахан, М.Арслан, Ш.Турдимов, Э.Очилов сингари ўзбек, рус ва жаҳон адабиётшуносларининг фикрлари асосида илмий баҳоланган.

Соқий сўзи арабча *саққо* калимасидан ҳосил қилинган бўлиб, «меш билан елкасида ёки ҳайвонлар воситасида сув ташувчи киши»ни англатган¹. Дастлаб диний байрамларда (айниқса, муҳаррам ойи байрамида) халққа сув тарқатиб пул тўплаган ва уни хайрия ишларга сарф қилган кишиларни ана шу – саққолардан фарқлаш учун соқий калимаси ишлатилган². Мумтоз адабиётда шароб қуйиб тарқатувчи, даврани бошқарувчи киши, яъни косагулга ҳам соқий дейилган. Соқийномаларда у хурсандчилик ва кўтаринки кайфият бағишловчи бир шахс қиёфасида тасвирланган.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, ўзбек адабиётида соқий образининг дастлабки илдизлари халқ оғзаки ижодига, айтиқса, «Алпомиш» ва «Гўрўғли» дostonларига алоқадордир. Шунингдек, соқий ва соқийлик масаласи туркий халқларнинг қадимги «яса-юсун», «учар пиёла», «тўра ойини» маросимлари ва «Кунтуғмиш» дostonида ҳам ўз ифодасини топган.

Айрим тариқатларда, жумладан, бектошийлик ва мавлавийликда соқийларга алоҳида эътибор билан қаралган. Бектошийликни қабул қилаётган солиқ, аввало, даврада йиғилган кишиларга шарбат тарқатиб, соқийлик амалини бажариши лозим бўлган³. Мавлавийликда ҳам «*соқий ўрни*» ёки «*соқий қарори*» деб юритилган махсус тартибга риоя қилинган. Маърифий атама сифатида эса *соқий* илоҳий файз улашувчи, тариқат пири, шайх, камолотга етакловчи шахсдир. Мумтоз адабиётда Соқийи Рухониён деганда Одам Ато ва фаришта Жаброилга ишора қилинса, Соқийи кавсар Ҳазрат Алига, соқийи лаҳжа бирикмаси эса мутриб ва муғаннийга нисбатан

¹ Porlatır İ. Osmanlı türkçesi sözlüğü. – Ankara, 2006. – S. 1447.

² Kuzubaş M. Sakiname. – Samsun: Etut yayınları, 2009. – S. 10.

³ Albayrak N. Halk edebiyati ansiklopedik sözlüğü. – İstanbul, 2010. – S. 477.

ишлатилган. Хуллас, соқийномаларда соқий, асосан, метафорик – серкирра образ бўлиб, юқоридаги мазмунларни юзага чиқаради.

Нома сўзи, аслида, форсча от, исм маъноларини билдирган ном сўзидан хосил бўлган. Мумтоз адабиётда муқаддима ёки хотимасида муаллифнинг номи кўрсатилган асарлар *нома* деб юритилган. «Фарҳанги Зиё»да кўрсатилишича, ўтмишда Эрон шоҳларининг буйруқ ва фармонлари араб ёзувининг таълиқ хатида битилган. Уларни бошқа мактублардан фарқлаш мақсадида айнан *нома* сўзи қўлланган¹. Дарҳақиқат, нома калимасининг *буйруқ, фармон, даъват* каби бир қатор маънолари ҳам мавжудки, соқийномаларда, асосан, ана шу – кейинги мазмуни устунлик қилади.

Адабиётшуносликда соқийнома жанри ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Бироқ уларнинг аксариятида маълум бир муаллифнинг соқийномаси юзасидан хулосалар баён қилингани сабабли жанрнинг умумий поэтик хусусиятларини баҳолашда турлича ёндашувлар юзага келган. Жумладан, М.Шафев, Ф.Зехний, Т.Кортантамер, Р.Жаним каби олимлар соқийномани мутақориб баҳрида ёзиладиган шеър деб баҳолашган.

Мутақориб вазни мумтоз шеърятда жангнома мазмунидаги асарлар учун етакчи вазндир. Соқийномалар ҳам тарихий-этимологик хусусиятларига кўра жангномаларга яқин. Сосонийлар даврида гусанлар ижро этган «шоҳона кўшиқ»ларда ҳам май мадҳи билан уйғунликда аскарларни жангга ундаш, улардаги жанговарлик кайфиятини ошириш мазмунлари ифодаланган². «Шоҳнома» ва «Искандарнома» дostonлари таркибидаги соқийнома байтлар бунинг ёрқин исботи бўла олади. Шарқ адабиётида, аниқроғи, форс-тожик шеърятдаги дастлабки соқийномалар мутақорибда битилган. Лекин бу қатъий қоида эмас. Баъзи тадқиқотларда Низомий ва Жомийларнинг «Лайли ва Мажнун» таркибидаги соқийномалари ҳазаж баҳрида ёзилгани қайд этилган³. Алишер Навоий эса, ўз соқийномасини рамал баҳрида яратган.

Адабиётшуносликда соқийноманинг, асосан, маснавий шаклида қофияланиши айtilган. Ё.Исҳоқов ҳам соқийнома бандларини «ҳар бири ғазал ҳажмига тенг бўлган маснавийлар шаклида намоён бўлади» деб баҳолаган⁴. Бироқ соқийноманинг маснавийдан бошқа шакллари ҳам мавжуд. Оғаҳий, Оқилнинг соқийномалари мураббаъ кўринишида, Султоний соқийномаси мусаддас шаклида ёзилган бўлса, Мирий, Мажзуб ва Нодимларнинг соқийномалари таржеъбанд-соқийноманинг ўзига хос намуналаридир. Мумтоз шеърятимизда таркиббанд-соқийнома, ғазал-соқийнома, рубоий-соқийнома ва ҳатто тўртлик-соқийномалар ҳам учрайди.

Соқийномадаги ноёб хусусият ва моҳиятдан бири инсонни доимо некбинликка чорлаб, моддий дунё ғам-ташвишларини енгиб ўтишга ишонтира олишдир. Шу сабабли, мумтоз адабиётда ҳаётсеварлик майлларини ифода этган соқий, май ва шароб каби образлар асосий ўрин

¹ Ziya Şükün. Ferhengi Ziya. III cıld. – İstanbul, 1984. – S. 1983.

² Boyce M. The Parthian gosan and the Iranian Minstrel Tradition // Journal of Royal Asiatic Society. – № 9, 1957. – P. 10 – 45 // <https://www.jstore.org/stable>

³ Юсуфов Х. Низомийнинг лирикаси. – Баку: Илм, 1968. – Б. 226.

⁴ Исҳоқов Ё. Низомий ва соқийнома жанри / Ганжалик даҳо. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – Б. 15 – 18.

тутади. Соқий базм, қадах ва шаробни эслатгани сингари, май ва шароб узумни, узум эса бир-биридан файзли боғлар ҳамда кўли гул боғбонларни хотирга келтиради. Яъни майхўрлик давралари шунчаки ичкилик ичиш йиғинлари бўлмай, турмуш завқи, гўзаллик манзараларини бир бутун ҳолда идрок этишнинг мажозий бир тимсоли ҳам эди. Машхур немис шоири Гётенинг соқийномани «соқий ҳақидаги китоб», профессор Е.Э.Бертельс «шароб ва муҳаббатни куйловчи асар», Ш.Сўфиев «хамрият асосида юзага келган поэтик жанр» дея баҳолагани жанрнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади, албатта¹. Чунки соқийнома жанри мазмунан хамрият жанрига жуда яқин. Аммо хамриятлар тарихий-этнографик характерда бўлса, унга алоқадор образ ва тушунчалар соқийномада тасаввуфий маънога эга. Жумладан, хамриятда соқий май базмларини бошқарувчи кишини англатса, соқийномада бу образ Ҳақ рамзи, руҳоний раҳбар тимсолидир. Ёки хамриятда муғанний май базмларига кўтаринки кайфият улашувчи аниқ бир шахс бўлса, соқийномаларда у илҳом берувчи, Ҳақ йўлига кирган солиқ қалбини илоҳий сир-асрордан хабардор этувчи образ сифатида талқин этилган. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, соқийнома жанрининг поэтик хусусиятларини ўрганиш натижасида унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Соқийнома – соқийга мурोजаат билан бошланган бир неча мустақил бандларнинг гоявий-бадший жиҳатдан ўзаро боғланиб, турли вазн ва шеърый шаклларда ёзиладиган, ахлоқий, ижтимоий, ирфоний ва маърифий фикр-туйғуларни ифода этувчи, инсонни некбинликка чорлаб, моддий дунё гам-ташвишлари, ҳасрату аламларини енгиб ўтишга илҳомлантирувчи, ҳаётга фавқуллодда яқин, воқелик нафаси уфуриб турган адабий жанрдир.*

Адабиёт тарихида соқийноманинг жанр сифатида шаклланиши ва тараққиёт тарихи масаласи ҳам етарлича ёритилмаган. М.Шафеев, Б.Шидфар каби олимлар соқийнома характеридаги шеърлар илк бор араб адабиётида пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Ф.Зехний, М.Рейснер, Е.Яковлев сингари олимларнинг фикрича, соқийноманинг дастлабки намуналари форс-тожик адабиётида учрайди². Бобда бу қарашларга муносабат билдирилиб, соқийноманинг тараққиёт тамойиллари илмий асослаб берилган.

Май мавзуи форс-тожик тилида гаплашувчи халқларнинг исломгача бўлган зароастризм дини ва урф-одатларига ҳам бевосита дахлдор³. Наврўз, Меҳржон, Сада ва Гоҳонбароқ байрамларида узум ва майнинг ҳаётбахш фазилатларини улуғловчи кўшиқлар ижро этилган. Бундай шеърлар таъсирида эса араб адабиётида хамрият жанри юзага келган. «Хамрият» сўзи араб тилидаги «хамара» сўзидан олинган бўлиб, у зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да келтирилган «хаома» поэтик образи таъсирида ҳосил бўлган. Аслида «хамара» ва «хаома» сўзларининг маъноси бир хил –

¹ Қаранг: Гёте И.В. Собрание сочинений в десяти томах. Том 10. – М.: Литература, 1980. – С. 319 – 320; Бертельс Е.Э. Избранные труды. IV том. Наваи и Джами. – М.: Восточная литература, 1965. – С. 88; Суфиев Ш. Об одном литературном нововведении Низами Гянджеви// Иран-наме, 2013. – № 4. – С. 250 – 276.

² Рейснер М. Л. Эволюция классической газели на фарси X – XIV века. – М.: Наука. – С. 64; Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 112.

³ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 141 – 142.

«май тайёрлаш» демакдир¹. Асосан мажозий маъноларни ифодалаб, теран фикр уйғотувчи, ҳаётий лаззат ва илоҳий завқу шавқ бағишловчи тимсол сифатида тавсифланган «хаома»ни мумтоз шеърятда май образининг илк илдизларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Ўзбек адабиётида май мавзуидаги шеърлар, аввало, халқ оғзаки ижодида учрайди. Уларнинг энг қадимги намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган. Бу шеърлар ғам-қайғуни унутиш, бу оламнинг шодликларидан роҳатланиш каби соқийномага хос мазмунларни ифодалаган. Масалан,

*Оттуз ирб қикралім ,
Јақар қабуб сэкралім ,
Арсланлају көкралім,
Қочти Јақинч сэмуалім .*

(Маъноси: Уч қайтадан ичайлик, тикланиб арслон каби наъра тортайлик. Қайғу-алам биздан йўқолганини кўрсатайлик².)

Ўзбек халқ кўшиқларида эса май мавзуининг мундарижаси янада кенгайиб, ишқий мавзудаги шеърлар билан ўзаро уйғунлашган. Уларда келтирилган соқийга мурожаатлар май ва ёр висолига ташналик, рақиб ёки ағёрга муносабатни таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилган. Ўтиборлиси, май мавзуидаги шеърлар соқийноманинг қадимги илдизлари сифатида мумтоз адабиётда мазкур жанрнинг юзага келишида муҳим ўрин тутган.

Илмда айтилишича, мумтоз шеърятда соқийнома жанрининг яратилиши учун Рудакийнинг «Май онаси» қасидаси асос бўлган³. Дарҳақиқат, Наср II Аҳмад Сомонийнинг Сейистон ҳукмдори амир Абу Жаъфар шарафига уюштирган зиёфати муносабати билан ёзилган ушбу шеърда шоҳона май базми бадий тасвирланган. Форс-тожик адабиётида май базмлари билан боғлиқ лавҳалар Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонида ҳам учрайди. Шу сабабли, «Шоҳнома»даги соқий, майхўрликдан сўз юритилган мисралар «базмий соқийномалар» деб ҳам баҳоланган⁴. Ф.Қазвинийга кўра, илк соқийнома Низомийнинг «Искандарнома» достонидаги соқийга мурожаатлардир⁵. Бироқ «Майхона»га танлаб киритилган байтлар, асосан, дoston бобларининг муқаддимасида келтирилган. Улар соқийнома матни ифодалайдиган мазмун ва ҳис-туйғуни тўла ёритиб бера олмайди.

Юқорида кўрсатилган асарларда қўлланган соқийга мурожаатлар соқийноманинг дастлабки унсурлари бўлиб, унинг поэтик жанр сифатида юзага келиши ва такомиллашувига беқиёс ҳисса қўшган. Шарқ мумтоз адабиёти тарихида дастлабки соқийнома Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони таркибида учрайди. Мустақил соқийномалар тараққиётида эса Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий соқийномалари алоҳида ўрин тутган.

¹ Азизова Ф. Литературное посредничество как система в арабском халифате. – Баку: Элм, 2009. – С. 203.

² Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3 томлик. I том. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017. – Б. 160.

³ Зехний Ф. Жанри соқийнома дар адабиёти форсу тожики асрҳои XIII – XV. – Душанбе: Дониш, 1991. – С. 9.

⁴ Мунзавий А. Соқийномаи хатти. – Техрон, 1339 х/ш. – С. 19 – 20.

⁵ Мулло Абдунаби Фаррухзамон Қазвиний. Майхона. – Техрон: Иқбол, 1367 х. – С. 468.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома характеридаги шеърлар» деб номланган. Унда XII – XV асрлар адабиётида соқийноманинг илк кўринишлари ҳамда Алишер Навоий ижодида соқийнома мазмунидаги шеърларнинг жанр тараққиётидаги ўрни масалалари тадқиқ қилинган.

XII – XV асрлар адабиётида соқийноманинг дастлабки кўринишлари Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Хўжандий, Саййид Аҳмад, Юсуф Амирий, Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби ижодкорлар шеърлятида учрайди. Жумладан, бобда мазкур давр адабиёти билан боғлиқ қуйидаги жиҳатлар ёритилган: а) Аҳмад Яссавий ижодида қўлланган соқийнома жанрига хос тимсоллар таҳлил қилинган б) номалардаги соқийга мурожаатларнинг жанр тараққиётидаги ўрни очиб берилган с) ғазалларда келтирилган соқийнома характеридаги байтлар текширилган д) «Хамса» дostonларининг соқийнома моҳиятидаги шеърй парчалари тадқиқ қилинган.

Соқийномаларда май образининг кўчма, рамзий мазмунларни ифода этиши, аввало, Шарқ халқларининг исломий эътиқоди ва мумтоз адабиётга тасаввуфий фикр-туйғуларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Май ва шароб тасаввуф адабиётида тариқат босқичлари ва бу йўлга кирган солиқнинг ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода этувчи рамзий тимсоллар саналади. Ўзбек мумтоз адабиётида бундай мазмундаги шеърлар дастлаб Аҳмад Яссавий ижодида учрайди. Ҳикматларда «вахдат хуми», «вахдат майи», «сир шароби», «аласт хамри», «шавқ шароби» каби бирикмалар «пайғамбар ғояларининг ифодаси»¹ бўлиб келади. Соқий деганда, орифлар тариқат йўлига кирган солиқни камолотга бошловчи комил инсонни, Муҳаммад алайҳиссалом ва Оллоҳни ҳам кўзда тутганлар. Яссавий ҳикматларида соқий, асосан, мана шу мазмунларни юзага чиқаради:

*Соқий сунди ҳар нафас кайфиятнинг шаробин,
Сармаст бўлуб ўшул дам нола-фарёд урсам мен...²*

Текширишлардан маълум бўлдики, Яссавий ҳикматларида соф тасаввуфий мазмунларни ифода этган рамз ва тимсоллар ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома жанри ривожига, айниқса соқийноманинг поэтик образлар табиатига ўзига хос таъсир кўрсатган.

Номаларда, жумладан, «Муҳаббатнома»даги 12 та маснавий шеърнинг 10 тасида 3 байтдан жами 30 байт, «Латофатнома»да 1 байтдан жами 18 байт, «Таашшукнома»да 3 – 5 байтдан жами 30 байт соқийнома мазмунидаги шеърлар мавжуд. Уларнинг барчаси соқийга мурожаат билан («Кел, эй соқий») бошланган. Чунончи,

*Кел, эй соқий, кетурғил бодаи ноб,
Кула ўйнаю ичсунлар бу асҳоб³.*

¹ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 342.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 226.

³ Хоразмий. Муҳаббатнома // Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. II жилд (XIV – XV асрнинг бошлари) (Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ф.ф.д., проф. Насимхон Раҳмон). – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 168.

Адабиётшуносликда номалар таркибидаги соқийга мурожаат қилинган байтлар поэтик хулосаларнинг ифодаси деб баҳоланган¹. Аммо улар моҳияти, мавзуси, тасвир йўли, образлар тизими ва айрим бадий хусусиятларига кўра ўзбек адабиётида соқийнома жанрининг илк ўзига хос намуналаридир.

Мумтоз шеърятда Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби йирик сўз санъаткорлари ижодида ҳам соқийнома мазмунидаги шеър ва байтлар учрайди. Аммо номанавис шоирлардан фарқли равишда улар ижодида май ва ишқ мавзулари ҳар доим уйғун ҳолда тасвирланган. Масалан,

*Эй соқийи мажлис, сол иликтин қадаҳу жом,
Ким кўзларининг даврида ҳушёр топилмас².*

Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома характеридаги шеърлар Алишер Навоий ижодида ўзининг кенг инкишофини топган. «Ҳазойин ул-маоний»даги 800 дан ошиқ ғазалда май мавзуи қаламга олинган бўлса, 500 га яқин байт бевосита соқийга мурожаат билан бошланган. Аниқроғи, соқийнома ўзбек мумтоз адабиётида мустақил жанр сифатида юзага чиқиши учун, аввало, Навоий лирикасида соқийга хитоблар кўринишида кенг ишланган. Соқийга мурожаат келтирилган байтларда май мавзуига алоқадор образлар мазмунан ўзаро мутаносиб бўлиб, лирик қаҳрамоннинг дунёқараши, бадий тафаккурини англашга кўмак беради. Масалан,

*Соқийё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут
Ким, мени ҳайронга бўлмиш кашф сирри лав кушиф³.*

Маълумки, шоир учун илҳом манбаи бу – ҳаётнинг ўзи. Шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғуларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи образ ва тимсолларнинг ҳам моддий асоси, реал манбаси мавжуд. Жумладан, журъанинг ҳам. Аслида у «қадахдаги ичимликни бир мартада, яъни бир хўплам ёки бир қултумда ичиш деганидир. Исломдан олдинги даврларда қабристонда шаробнинг бир журъасини ерга тўкиш билан ўтганлар, марҳум кишилар хотирланган». Маърифий адабиётда ҳам журъа «ёрнинг бетоқат қилувчи ёди»ни билдиради⁴. У «сайр мақомики, солик уни излаб топа билмоғи керак, яъни журъа соликка номаълум қолиб кетган сир-асрорлар ва мақомотларни англатади»⁵. Навоий соқийномасидаги «*Кишига қайғудин ўлса зулмот, Журъаси бўлғай анинг оби ҳаёт*» мисраларида ҳам ана шундай мазмун ифодаланган. Демак, шоир лирикасида келтирилган соқийга хитоб кўринишидаги байтлар соқийнома мазмуни билан ўзаро муштарак. Бу эса уларнинг соқийнома жанри тараққиётидаги ўрнини ҳам белгилайди.

Ўзбек адабиётида соқийнома характеридаги байтларнинг келтирилиши жиҳатидан Навоий «Хамса»си, айниқса, «Садди Искандарий» достони алоҳида мавқега эга. Достонда соқийга мурожаат билан бошланган 200 га

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 88.

² Лутфий. Девон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 229.

³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 325 (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда жилди ва саҳифаси кавс ичида кўрсатилади – М.А).

⁴ Анварий Ҳ. Фарҳанги бузурги сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 3. – Техрон, 1381 х/ш. – С. 2121.

⁵ Сажодий Жаъфар Сайид. Фарҳанги мусталихоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 х. – С. 286.

яқин байт мавжуд. Жумладан, 50 байтда бевосита соқий ва аёқчига хитоб қилинган. Соқийнома мазмунидаги байтлар дoston бобларининг хотимасида ўзига хос тартибланган. Масалан,

Кетур соқий, тўлдуруб жоми адл

Ки, кўргузди Искандар айёми адл...

Муғанний, навода тузуб муътадил,

Навосозлиқ қил манга муттасил...

Навоий, таодулдин этма удул,

Қабул аҳлидин гар тиларсен қабул!.. (8, 115)

Соқийга мурожаат келтирилган байтларда унга илтифот кўрсатиш, май кўйишга ундаш мазмуни акс этса, аёқчига хитоб орқали даъват этиш, талаб қилиш, буюриш маънолари ифодаланган. Эътиборлиси, шоир соқийнома характеридаги шеърий парчаларнинг дастлабкисида ҳам, сўнггисида ҳам айнан аёқчига юзланади. Дostonнинг яна 24 байтида аёқчига мурожаат келтирилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аёқ сўзи, аслида, соф туркий сўз. Қадимда туркий халқлар орасида қимиз ва асал шароби ичиш учун туянинг оёқ суягидан махсус қадахлар ясалган бўлиб, улар аёқ деб юритилган¹. Аёқчи – аёқ тутувчи киши, яъни соқий. У кишига эстетик завқ, кўтаринки кайфият улашувчи поэтик образдир. Навоий шеъриятида соқийга мурожаатлар лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғу, ўй-кечинмаларини ифода этган бўлса, «Хамса» дostonларида келтирилган соқийнома моҳиятидаги байтлар воқеа-ҳодисаларнинг жонли тасвирланиши ва таъсирчанлигини таъминлаган. Навоий соқийномасида шоирнинг лирик ва эпик асарлари таркибида келтирилган соқийнома характеридаги байтлар поэтик хусусиятлари ва мазмунига кўра ўзаро уйғунлашгани кўзга очиқ ташланади.

Учинчи боб «**Алишер Навоий соқийномаси**» деб номланган ва унда Навоий соқийномасининг бадиияти, адабиёт тарихида унгача яратилган соқийномалар ва шоир соқийномасининг муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари, соқийномада мавзу, ғоя ва образлар тизими таҳлил қилинган, соқийномадаги шоир яшаган ижтимоий, маданий муҳит, тарихий давр ва замондош кишилар билан боғлиқ фикрлар Навоий ижодиёти, шунингдек тарихга оид асарларда келтирилган маълумотларни қиёслаш асосида очиқ берилган.

Навоий соқийномаси жанрнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки ва гўзал намунасидир. Унда шоирнинг руҳий олами, дунёқарashi, замондошлари билан ўзаро муносабатлари каби масалалар ҳам ёрқин ифода этилган. Соқийноманинг шакли ва ҳажми унинг мазмун талабидан келиб чиққан бўлиб, бир неча банддан ташкил топган. Ҳар бир банд алоҳида мавзуга бағишланган мустақил асарни эслатади. Аммо улар умуммоҳият нуқтаи назаридан ўзаро боғланиб, соқийнома жанрини ҳосил қилган. Буни асар бандларининг тартиботида кўриш мумкин. Соқийноманинг дастлабки банди Ҳусайн Бойқарога, II – XX бандлар шахзодалар ва шоҳнинг яқинларига, XXI – XXVII бандлар Навоийнинг марҳум ижодкор дўстлари ва устозларига, XXVIII банд ишқ ва ошиқ изтиробларига, XXIX боб вафо ва давр аҳлига,

¹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 38.

XXX банд ҳам айрим марҳум ижодкорларга, XXXI банд эса шоир ҳаётлиги пайтида яшаб ижод қилаётган қаламкашлар таърифига бағишланган. Сўнги XXXII банд асарнинг хулосаси бўлиб, шоҳ мадҳи билан якунланган.

Ё.Исҳоқов соқийномада Жомий марҳум, Мўмин Мирзо эса, ҳаёт киши сифатида тилга олиниши, шунингдек, «Мажолис ун-нафоис»нинг зикр этилишидан келиб чиқиб, у 1492 йилдан кейин ва 1497 йилдан олдин ёзилган деган фикрга келган¹. Бундай хулоса чиқариш учун ҳам асос бор, албатта.

Тарихий маълумотларга кўра, 1485 йилда Султон Хусайн Бойқаронинг жияни Баҳодир Султон онаси Бадакабегим ва синглиси Хонзодабегим билан Дашти Қипчоқ, яъни Олтин Ўрдадан Ҳиротга меҳмон бўлиб келади. Хусайн Бойқаро уларнинг шарафига «чингизийлар усулида» катта бир анжуман – қурултой ташкил қилади. Шоҳона зиёфат берилиб, қимиз ва май тортилади. Алишер Навоий соқийномаси мана шу базми жамшид муносабати билан ёзилган². Шундай бўлса-да, соқийномада қурултойни таърифлаш бир восита бўлиб, даврнинг турли-туман ижтимоий, маданий, ахлоқий масалалари ҳақида мушоҳада юритилган. Асарда тасвирланган тарихий воқеаларнинг турли саналарга дахлдорлигига қараб, унинг маълум бир қисми 1485 йилда ёзилган бўлса-да, шоир уни умрининг охириги йилларида ёзиб тугатган, деб хулоса чиқариш ҳам мумкин.

Соқийнома бетакрор бадиияти, ўзига хос тузилиши ва поэтик санъатларга бойлиги билан эътиборга молик. Гарчи асар бир неча бандлардан иборат бўлса-да, улардаги байтлар миқдори бир-бирига мувофиқ келмайди. Байтлар миқдорининг турлича эканида ҳам ўзига хос маъно бор, албатта. Соқийноманинг энг йирик банди дастлабки бандидир (41 байт). У Султон Хусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Иккинчи банд (13 байт) шоҳнинг тўнғич фарзанди Бадиъуззамон Мирзо, кейинги банд (9 байт) унинг иккинчи ўғли Шоҳ Ғариб Мирзо, тўртинчи банд (8 байт) ундан ёш жиҳатдан кичик шахзода Музаффар Мирзо, бешинчи банд (6 байт) эса ундан-да ёшроқ Ҳайдар Мирзо ҳақида. Бандлардаги байтлар миқдоридан ҳам уларнинг мавқеи ва ёшлари ўртасида фарқ борлигини билиш мумкин. Шу тариқа, қўйилаётган масаланинг муҳимлиги, таърифланаётган қаҳрамонларнинг шоирга қай даражада яқинлигига кўра, кейинги бандларда ҳам байтлар миқдори бир-биридан фарқланган.

Соқийноманинг ҳар бир банди соқийга мурожаат билан бошланган. Уларда фақатгина «соқий» калимаси келтирилган:

*Соқий, кўнглум этар бода ҳавас,
Лутф қилгилки, эрурман бекас. (4, 714)*

Бу Низомий соқийномасида «соқий», Ҳофиз Шерозийда «кетур, соқий» («бидеҳ, соқий»), форс-тожик тилида яратилган аксарият соқийномаларда «кел, эй соқий» («биё, соқий») шаклида берилган. Юқоридаги соқийномаларда соқийга қарата буйруқ, хитоб мазмуни устунлик қилса, Навоий соқийномасида илтимос, илтижо каби маънолар ифодаланган.

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 88.

² Çeneli I. Türk edebiyatında saki-nameler // Türk kültürü araştırma Enstitüsü dergisi. – Istanbul, 1972 (Mayis). – S. 427.

Навоий соқийномаси улардан тузилиши ва мавзунинг қўйилишига кўра ҳам фаркланади. Низомий соқийномасининг II – V бандлари шоирнинг бобоси Юсуф, Закий Муҳаммад, онасининг хотираси, тоғаси Хожа Умар ва бу оламдан ўтган ёр-биродарлари, яқинларига бағишланган. Қолган бандларда турли ижтимоий-фалсафий масалалар ёритилган. Ҳофиз эса ўз асарини шоҳ Мансурга бағишлаган. Кўринадики, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Низомий асарига ўхшаш. Аммо Навоийда ҳар бир бандда маълум бир тарихий шахс мадҳига кенг ўрин берилишидан ташқари, замон ва инсон тақдир билан боғлиқ ҳаётининг масалалар ҳам ёритилган. Уларда қаҳрамоннинг феъл-атвори ва фазилатлари, ҳатто айрим камчиликларига ҳам ишора қилинадики, бу билан тарихий шахс ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин (Чунончи, «*Яна бир келди Биноийки фунун, Касбида айламади манъи жунун*» ёки «*Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ, Лек кўп эди Бадиийда нифоқ*»). Шоҳ мадҳининг келтирилиши, даврнинг ўткинчилигидан огоҳ этиш мақсадида турли тарихий қаҳрамонлар номининг мисол тариқасида кўрсатилишига кўра Ҳофиз ва Навоий соқийномаларида яқинлик кузатилади. Бироқ Ҳофизда Кайхусрав, Жамшид, Нух, Парвиз, Борбад каби афсонавий шахслар талмеҳ бўлиб келса, Навоий асарида булардан ташқари Темур, Улуғбек каби тарихий шахслар номлари ҳам келтирилган. Ё.Исҳоқовнинг ёзишича, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Жомийнинг «Лайли ва Мажнун»даги соқийга мурожаат билан бошланган маснавийсига яқин туради. Сабаби, унда ҳам Чингиз ва Темурларнинг номи кўрсатилган¹. Аммо бу бадиий усул Жомий маснавийсининг фақат бир ўрнида келтирилса, Навоий турли ижтимоий-ҳаётининг масалаларга муносабат билдириш учун соқийноманинг бир неча ўринларида талмеҳдан фойдаланади. Масалан, дастлабки бандда Фирдавсий «Шоҳнома»си қаҳрамонларининг номлари тилга олинса, Баҳодир Султонга бағишланган бандда Ёфасга ишора қилинган. Бошқа бир ўринда Қанбар Али, Мазид, Султон, Нур Саидбек каби оламдан ўтган амалдор кишиларнинг номлари талмеҳ бўлиб келган.

Соқийноманинг ҳар қайси бандида таърифланаётган шахс ёки ҳодисага эътиборни тортувчи ўзига хос тамсиллар мавжуд. Жумладан, соқийномада Суҳайлийга бағишланган банд «Соқиё, жомға қуй майдин сайл, Май хуршиду анинг жоми суҳайл», Жомий ҳақидаги банд «Соқиё, жом кетур дарёваш», ҳаёт бўлган қалам аҳли таърифланган қисм «Соқиё, айла тўла паймона, Манга тутқил қадаҳи шукрона» деб бошланган. Навоий соқийномасида сўз, ибора ва образлар тасвирланаётган воқеликка ишора қилиб, асарнинг бадиий қимматини оширган. Масалан, соқийноманинг Хусайн Бойқаронинг Дашти Қипчоқдан келган жияни Баҳодир Султонга бағишланган XVIII бандида форс-тожик ва арабча сўзларга қараганда, хон, қурултой, тўстўғон, қимиз, сарқут, йиров, ётўғон, ётўғончи, йир, тўра каби соф туркий сўзлар кўпроқ ишлатилган. Унда мўғул халқи орасида кенг тарқалган урф-одатлар ва маросимлар ҳам ўз ифодасини топган. Масалан,

Ётўғончию йиров тузгач ун,

¹ Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – № 1. – Б. 16 – 23

Сен қадаҳ олу тўққуз қотла юкун. (4, 695)

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, «мўғул шўъбаси тўққуз нафардир. Унинг дастлабкиси Мўғулхон, уларнинг охири Элхон ва тўққуз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида шу ваҳждан ривож топди. Мўғулларнинг бундай эътибори таҳқиқига кўра, ҳар мартабада тўққуз саноғидан ортиғини лозим кўрмайдилар»¹. Жумладан, зиёфатларда ҳам мўғуллар тўққуз сонига алоҳида эътибор қаратганлар. Абулғози Баҳодирхон эса, турк-мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққуз ҳадя (тўққуз от, тўққуз чопон, тўққуз парча бахмал) ҳақида маълумот берган. Тадқиқотларда Навоий рақамлар воситасида бадиий образ яратар экан, ҳар бир рақам билан боғлиқ қадимий қарашларга таянгани қайд этилган². Дарҳақиқат, юқоридаги байт ҳам бу фикрларнинг исботи бўла олади.

Соқийномада ҳар бир банднинг дастлабки уч-тўрт, баъзан эса, беш ёки олти байтида жом ва майнинг таърифи берилган. Бу образлар соқийнома бандларида ифодаланган мазмун ва шоирнинг фикр-кечинмалари билан ҳам узвий боғлиқ. Масалан, II бандни шоир ружуъ санъати қўлланган ушбу байт билан бошлайди:

*Соқийё, тут манга жоми майи ноб,
Жоми май демаки, лаъли сероб. (4, 684)*

Ноб – тоза, соф ва ёрқин рангли май. Лирик қаҳрамоннинг соқийдан айнан шундай май сўраши бежиз эмас, албатта. Соқийноманинг ушбу бандида шаҳзода Бадиъуззамон таърифланган. Луғатларда бадиъ сўзининг ўзи ҳам тоза, ёрқин деб изоҳланган³. «Мажолис ун-нафоис»да ҳам у «хусни сурат ва хусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигит» (9, 415) деб тавсифланган. Соқийномада шоир «Хамса» ичра ҳар бир ҳарфни... анинг отиға гузориш қил»ганини айтган. Яъни «Ҳайрат ул-аброр» достонининг йигирманчи мақолати Бадиъуззамон Мирзога бағишланган. Соқийномада шаҳзода Бадиъуззамон мадҳи, шоирнинг унга бўлган муносабати акс эттирилган бўлса, достонда панд-насихат мазмуни етакчилик қилади. Кўринадики, соқийномадаги тарихий шахслар ҳақида айтилган фикрлар шоирнинг бошқа асарларида келтирилган маълумотлар билан қиёсланса, масала янада ойдинлашади.

«XVI – XIX асрлар ўзбек адабиётда соқийнома: маъно, композиция, образ ва тасвирдаги трансформациялашув» деб номланган тўртинчи бобда XVI – XIX асрлар ўзбек адабиётида яратилган соқийномаларнинг жанр хусусиятлари, образлар олами, мазмун-моҳияти ва Алишер Навоий соқийномасининг уларга таъсири масалалари тадқиқ қилинган, бу даврда туркий халқлар адабиётида битилган соқийномаларнинг ўзбек адабиётидаги мазкур жанр намуналари билан ўхшаш ва фарқли томонлари текширилган.

XVI – XIX асрлар ўзбек мумтоз адабиётида соқийномалар турли-туман шеърий шаклларда яратилган. Бобда мазкур давр шеъриятидаги соқийномалар қофияланиш тартибига кўра қуйидагича тасниф қилинган: 1.

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 41.

² Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 59.

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 187.

Маснавий-соқийномалар 2. Таржеъбанд-соқийномалар 3. Соқийнома-ғазал ва мусамматлар.

Агар Табибий, Аваз, Коризий, Гулом Расулхўжаларнинг соқийномалари адабиётдаги мавжуд анъанага мувофиқ маснавийда битилган бўлса, Мирий, Султоний, Мажзуб, Нодимларнинг асарлари таржеъбанд-соқийноманинг ёрқин мисолидир. Бобур, Мунис, Огаҳий, Оқил, Ғозий, Каримбек Камий каби шоирларнинг шеърлари эса соқийнома-ғазал ва мусамматларнинг ўзига хос намуналари саналади. Соқийномалар мавзуи, ифода усули, образлар оламига кўра ҳам фарқланади. Табибий, Аваз, Мирий, Коризий ва Гулом Расулхўжа соқийномаларида мазмун эътибори билан Навоий соқийномасининг таъсири сезилса, Мажзуб ва Нодим асарларида маърифат ғоялари талқини берилган. Соқийнома-ғазал ва мусамматларда, асосан, ишқ-муҳаббат туйғулари ва табиат манзаралари тасвирланган.

Маснавий шаклида ёзилган соқийномаларда ижтимоий оҳанглар, замон ва ижодкор қисмати, ҳасби ҳол мазмуни, шунингдек ахлоқий-таълимий масалалар етакчи мавқе эгаллайди. Бу жиҳатдан Табибий ва Аваз соқийномалари алоҳида ажралиб туради. Мазкур асарлар композицияси ва айрим бадиий хусусиятлари билан ўзаро муштарақдир. Ҳар иккала шоир соқийномалари ҳам бештадан мустақил шеърдан иборат. Табибийнинг шеърлари «Маснавийи соқийнома Табибий» деб номланган. Яъни «Маснавийи соқийнома Табибий I», «Маснавийи соқийнома Табибий II» каби¹. Бундай тартибланиш Аваз соқийномалари учун ҳам хос². Шунингдек, соқийга мурожаат билан бошланган байтларнинг келтирилишида ҳам ҳар иккала ижодкор асарларида яқинлик кузатилади. Бироқ уларнинг тартибланишида ранг-баранглик ва ўзига хослик мавжуд. Айтайлик, 246 байт, салкам 500 мисрага яқин «Маснавийи соқийнома Табибий»нинг дастлабки манзумасида 1-, 3-, 7-, 9-, 11-, 14-, 16-, 19-, 21-, 24-, 26-, 29-байтлар соқийга хитоб билан бошланган. Табибий соқийномаси ўзбек адабиётида яратилган мазкур жанрдаги асарлардан ана шу – соқийга мурожаатнинг фақат бандлар бошида эмас, ҳар уч-тўрт байт оралиғида такрорланиши билан ҳам фарқланади. Авазда соқийга мурожаат қилинган байтлар баъзан кетма-кет, баъзан беш-олти ёки ўн-ўн икки байт оралиғида келса, Табибийда муайян тартиб ўзгармайди. Соқийнома бандларининг сўнгида шоир тахаллусининг қўлланиши Табибий ва Аваз соқийномаларининг ўзига хос томонларини яна-да ёрқинроқ далиллаган. Тахаллус келтирилган байтларда муаллифнинг бандларда баён қилинаётган фикрлари, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ҳаётий қарашлари хулосаланган.

XVI – XIX асрлар ўзбек адабиётида яратилган соқийномаларнинг аксарияти учун хос бўлган бундай ифода усули Коризий соқийномасида ҳам учрайди. Аммо Табибий ва Авазда хотимавий байтлар бандлар чегарасини кўрсатиб, ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига жалб этади («*Табибий, жаҳондин вафо истама, Даме мосиводин бақо истама*» ва «*Сунгил Авазга бу*

¹ Аҳмаджон Табибий. Мунисул ушшоқ. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 8949 (340 – 351).

² Аваз Ўтар ўғли. Девон. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 942 (264 – 269).

нафас созари, Қилғали хайлингдин они бири»). Коризий соқийномасида эса тахаллус қўлланган байтлар шоирнинг ишқ-мухаббат туйғуларини таъсирчан ифодалаш воситаси бўлиб келган (*«Бу Махмур кўп хуморий, эртадин кеч, Менга бир боқмадинг бўлди на деб ҳеч»*)¹. Дарҳақиқат, Коризий шеърида ижтимоий-маиший фикр-туйғулар ишқ мавзуи билан ўзаро уйғунлик касб этганки, буни соқийномада кўрсатилган Хусрав, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Баҳром, Дилором, Вомиқ, Узро талмеҳлари ҳам далиллайди.

Навоийдан кейин ўзбек шеъриятида яратилган соқийномаларда жуда кам учраган хусусият: муғаннийга мурожаат, май ва мусиқани куйлаш, куй номларнинг келтирилиши ҳам Табибий соқийномасига хос. Соқийномада танбур, чанг, рубоб, ғижжак каби мусиқа асбоблари, «сегоҳ», «дугоҳ», «савти шаҳноз» каби куй номлари воситасида шоирнинг турли масалаларга оид қарашлари ифодаланган. Шунингдек, муғаннийга мурожаат орқали ундан куй талаб қилиш мазмуни Ғулом Расулхўжанинг 21 байт 42 мисрадан иборат ҳажман кичик бўлган соқийномасида ҳам учрайди². Ғулом Расулхўжа Навоий соқийномасини алоҳида кўчириб, нашр эттирган. Шоир «Хамса»сига араб, форс ва ўзбек тилларида тақриз ёзган. Шу сабабли, унинг соқийномасида Навоий шахсияти ва ижодига бўлган чексиз ҳурмат ҳамда ўқувчини буюк мутафаккир асарларидан баҳраманд бўлишга ундаш кайфияти устун.

Маълумки, таржеъбанд инсон рухий дунёсини бадиий акс эттиришда ижодкорга кенг имкониятлар берувчи шеърий шаклдир. Бу фикрнинг исботини XIX асрда яратилган таржеъбанд-соқийномалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар маснавий шаклида битилган соқийномаларда, асосан, ижтимоий-маиший мазмунлар ифодаланган бўлса, таржеъбанд-соқийномалар маъно ранг-баранглиги билан ҳам улардан фарқланади. Жумладан, Мирий соқийномасида Султоний, Мажзуб ва Нодимникига қараганда ҳасби ҳол, арзи аҳвол мазмуни устунлик қилади. У мазмунан Табибий ва Аваз соқийномаларига яқин туради. Аммо уларда ижтимоий-ҳаётий масалалар муайян тарихий шароит ва аниқ бир шахс билан боғлиқ бўлса, Мирий ўз дарду ҳасратларини замон ва замондошларидан шикоят тарзида ифодалаган. Султоний соқийномасида эса табиат ва инсон уйғунлиги, олам гўзалликлари ва инсон руҳияти ўртасидаги боғлиқлик ёрқин акс эттирилган³.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, 19 банд, 188 байт, 376 мисрадан ташкил топган Мажзуб Намангоний соқийномаси тили, тимсоллари, услуби ва оҳанги билан ўзбек адабиётида яратилган бошқа соқийномалардан анча фарқ қилади. Сиртдан қараганда асарда тасаввуфий маънолар устундай кўринса-да, аслида шахс маънавий завқи, эрки, маърифат талқини, ишқ ҳоли ва ҳақиқат шарҳи, хуллас, ошиқона ва орифона кечинмалар ифода этилган. Соқийноманинг дастлабки тўққиз бандида *«Қаботи итингда ичай мунда қуй, Ўшал шахд чайқоқидин юнди қуй»* байти, кейинги ўн бандда *«Ўшал шарбат учун гадолик қилай, Муғ эшикида бенаволик қилай»* байти таржеъ бўлиб

¹ Асрлар нидоси (Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 206 – 208.

² Ғулом Расулхўжа. Соқийнома // Алишер Навоий. Хамса. Қўлёзма. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 4248 (148 – 149а).

³ Ҳафт шуаро. Қўлёзма. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 10374. (114).

келган. 1-, 10-, 11- ва 16-бандлар бевосита соқийга хитоб билан бошланган¹. Ўн иккинчи бандда эса, мутрибга мурожаат қилинган. Соқийномада муаллиф рухиятида уйғонган жазба юқори даражада акс этган. Маърифий адабиётда жазба инсондаги кучли илоҳсеварлик деб қаралади. Жазба «ишқдан ҳолга, ҳолдан қалб ва рухга, рухдан Ҳаққа йўналтирувчи хуррият йўли. Зеро мажзубликда комилликнинг тамали – тўғрилиқ, куч-қуввати эса Ҳақ севгиси ва ҳақиқатдир. Мажзублар ҳамма нарсани Ҳақ нури ила кўриб, мушоҳада этганликлари учун илоҳий нур ошиғи бўлишган»². Мажзуб соқийномаси ана шундай бир ишқ маҳсули ва мажзубийлар аталмиш ирфоний давраларда у маҳсус оҳанг билан куйланган³. У ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиб, соқий тимсолининг «соғарчи», «қадахчи», «сунғучи» каби бир қатор янги маънодошлари инкишоф этилгани, ислом дини учун хизмат қилган тарихий шахсларнинг номлари талмеҳ воситасида кўрсатилгани, шунингдек поэтик санъатларнинг ёрқин ифода этилгани билан ҳам юксак бадиият намунасини кўрсатди. Масалан:

*Сун, эй сунғучи, шаҳддин бир ичим,
Ани нўш этиб тоза бўлсун ичим*⁴.

Ушбу соқийнома ўз даврининг айрим етук шоирлари ижодига таъсир кўрсатгани билан ҳам мумтоз адабиётда алоҳида ўрин тутди. Нодим Намангонийнинг соқийномаси Мажзуб манзумаси таъсирида ёзилган. Унинг қўлёзма нусхаси мундарижасида ҳам «Мажзуб номасига жавоб» деб кўрсатилган⁵. Олтмиш олти байт 132 мисрадан ташкил топган соқийноманинг 1-, 2-, 4-, 5-, ва 6-бандлари соқийга хитобдир. Ҳар бир банднинг охирида «*Тараҳхум қил, эй дайр пири, манго, Бериб журъаи бодаи гамзудо*» байти такрорланади. Аммо Мажзубдаги каби панд-насиҳат мазмуни («*Кўшулма ямонга, ямонлар ямон, Бир иш қилки бўл яхши ҳамхонаси*» каби – М.А.), халқона оҳанг, ўғуз лаҳжасига хос тил унсурларининг келтирилиши Нодимда сезилмайди. Нодим соқийномасида мураккаб поэтик бирикмалар, шунингдек, форс-тожикча сўзларнинг мавқеи бир қадар устун.

Соқийнома-ғазалларнинг бошқа жанрларда яратилган соқийномалардан фарқи шундаки, уларда гўзал табиат манзаралари, ҳаёт шодликлари таърифи, ўтаётган фурсатларни ғанимат билиш, ғам-қайғуни унутиш каби ҳаётсеварлик туйғулари юксак илҳом билан қаламга олинган. Бу шеърлар аксарият ҳолларда соқийга хитоб билан бошланиб, бошдан охир май билан алоқадор образлар васфига бағишланади. Чунончи, Бобурнинг «*Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур...*»⁶, Муниснинг «*Соқие, тут лутф жоми била саҳбойи сабуҳ...*»⁷, Огаҳийнинг «*Кетур, соқий, қадахким, базмгоҳ ийди қурбондур...*»⁸, Ғозийнинг «*Соқие, бўлди гул айёми, кетургил саҳбо...*»,

¹ Мажзуб Намангоний. Девон. – Туркистон: Ислом маданияти ўчоғи, 2008. – Б. 94 – 102.

² Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 52.

³ Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 2-дафтар. – Тошкент, 1998. – Б. 188.

⁴ Мажзуб Намангоний. Девон. – Туркистон: Ислом маданияти ўчоғи, 2008. – Б. 100.

⁵ Баёзи Нодим. Қўлёзма. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 4179. (424 – 430).

⁶ Бобур З.М. Маҳрами асрор топмадим. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б. 114.

⁷ Мунис. Сайланма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 71.

⁸ Муҳаммад Ризо Огаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. – Тошкент: Халқ мероси, 1999. – Б. 29.

Каримбек Камийнинг «Тут ганимат пиёла, эй соқий» мисралари билан бошланадиган шеърлари соқийнома мазмунидаги ғазалларнинг гўзал намуналари саналади.

Мусаммат шаклларида, яъни мураббаъ кўринишида қофияланган Огаҳий ва Султоний соқийномалари, мусаддас-соқийноманинг ўзига хос намунаси бўлган шоир Оқилнинг шеъри мазкур жанр имкониятларини янада кенгайтирган. А.Абдуғафуров Огаҳийнинг «Таъвизул ошиқин» девони мундарижасида 3 та мураббаъ келтирилгани, шулардан бири «соқийномаи мураббаъ» эканини алоҳида кўрсатган¹. 9 банддан иборат ишқий-фалсафий мазмундаги ушбу шеърда соқий, хилват, жом, қадах, шунингдек, ғижжак, танбур, най каби бир қатор поэтик образлардан баҳс юритилган. Огаҳий соқийномасига назира тарзида битилган 9 банд 36 мисрадан иборат Султонийнинг соқийнома-мураббаъси ҳам мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди². Огаҳийда «Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур» мисраси ҳар бир банд охирида такрорланса, Султоний соқийномасида «Соқиё, гулгун қадахни тутки, ишрат чоғидур» мисраси келтирилган. Кўринадики, Султоний соқийномаси ўз салафининг шеърига ифода усулига кўра ниҳоятда яқин. Аммо Огаҳий шеърида ижтимоий-ҳаётий мазмунлар, «вақт эрур субҳу», «фасли баҳор» каби ишоралар воситасида реал воқелик тасвирлари ҳам ўз ифодасини топган бўлса, Султоний асарида фақат ишқ-муҳаббат кечинмалари ёритилган. Оқилнинг 11 банд 66 мисрадан иборат мусаддас-соқийномасида ҳам ишқ-муҳаббат туйғулари, ҳижрон ва айрилиқ, соғинч ва висол кечинмалари ифода этилган³. Мазкур асар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузга бағишлаб бағишлаб ёзилгани билан характерлидир.

XV асрдан кейин нафақат ўзбек, балки бошқа туркий халқлар адабиётида ҳам соқийнома жанри ўзига хос тадриж ва тараққиётга эришди. Улар орасида Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»достони таркибидаги 4 банд, 122 байтдан ташкил топган соқийномаси, форс-тожик тилида ёзилган «Етти жом» («Ҳафт жом») асари алоҳида ўрин тутди. Соқийномада Фузулий Навоийнинг ижод «гулшан»идан «тоза гуллар» тергани, яъни мутафаккир шоир асарларидан ҳам таъсирланганини эътироф қилади. Фузулийнинг 15 фасл, салкам 700 мисрадан иборат «Етти жом» («Ҳафт жом») асарида биринкетин еттита жомнинг кайфияти ҳақида баҳс юритилган. Асарнинг ҳар бир банди мусиқа асбоблари билан суҳбатга бағишланган. Май, Даф, Тор, Уд, Сетор, Қонун ва мутриб билан диллаша туриб, шоир ўз руҳий оламида юз берган ўзгаришлар, борлиқ ва инсоният ҳақидаги теран ҳаётий-фалсафий мушоҳадаларини баён қилган. Ҳар бир фасл сўнгида шоир тахаллусини келтиришига кўра мазкур соқийнома XVI – XIX асрлар ўзбек адабиётида яратилган соқийномаларни эслатади. Ишда «Етти жом» ва ўзбекча соқийномаларнинг муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари, уларнинг ўзаро таъсири масалалари очиб берилди.

¹ Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. – Тошкент: Халқ мероси, 1999. – Б. 61.

² Ҳафт шуаро. Қўлёзма. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. № 10374 (108).

³ Ҳафт шуаро. Қўлёзма. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №10374 (112а, в).

ХУЛОСА

1. Маълумки, адабиёт тарихи, энг аввало, жанрлар тарихи. Чунки бадиий ижоддаги ҳар қандай маъно, туйғу ва образ мазмун ва шаклни ўзида мужассамлаштирган жанр орқали акс эттирилади. Шунинг учун адабиётнинг ўзгариш ёки янгиланишини у ёки бу жанрнинг ҳаётисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Соқийнома эса, аввало, ҳаёт ва тарихий эҳтиёждан туғилган шеърий жанрдир. Унинг марказидаги образ соқий. Соқийноманинг асосий унсур ва хусусиятлари соқий атрофида бирлашади. Соқий мазкур жанр намуналаридаги энг ёрқин, жонли ва ҳаётий қаҳрамон сифатида ўқувчининг асосий диққатини ҳамиша асар воқеаларига жалб этиб туради. Соқийноманавислар асарнинг поэтик мукамаллиги, композицион бутунлигига эришиш учун унинг семантик-стилистик тузилмаси ва эмоционал тасвир усулига алоҳида диққат қаратганлар. Шу маънода, соқийга мурожаат кўринишлари соқийномаларда бандларнинг ўзига хос чегарасини кўрсатиб, фикр-қарашларнинг оқими, яъни мазмунига ишора қилади ва шоирга турли ижтимоий, маданий, ахлоқий, маърифий масалаларга оид қарашларини эркин баён этишга кенг имкониятлар яратади.

2. Мумтоз лириканинг қатор намуналарида реалистик мотив, манзара ва тимсоллар ўзининг жонли аксини топган. Улар ҳаёт, давр, замон ёки тарихий воқелик билан боғланиш жиҳатидан ҳам диққатга лойиқ. Бундай асарларнинг ўқувчи кўнглига таъсири кучлироқ бўлишини соқийномалар ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат, соқийнома инсон руҳий олами, қувончу қайғуси, орзу-армонлари, шунингдек, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат тушунчалари ўртасидаги туганмас зиддиятларни ниҳоятда ҳаётий ва ҳаққоний тасвирлайдиган, турли-туман шеърий шакл, композицион қурилиш ва мавзу доирасига эга бўлган, шоир руҳий дунёсининг бадиий ифодаси учун бир қадар кенгроқ имтиёзлар берадиган мураккаб поэтик жанрдир. Соқийнома семантик структурасида ғоявий-эстетик изчиллик ва композицион яхлитликни таъминлаган май, соқий, қадах, майхона каби тимсоллар жанр тақомилида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, маъно, оҳанг, ифода йўлига кўра соқийномалар тарихий давр ва замон манзараларини ҳаққоний тарзда тасвирлаши билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Маърифий адабиётда май ва унга алоқадор образлар кўпинча тариқат босқичлари, шунингдек бу йўлга кирган солиқнинг ранг-баранг руҳий ҳолатларини ҳам билдиради. Соқийномаларнинг мазмун-моҳияти, мантиқ ва ғоявий йўналиши ҳар иккала маъно – зоҳирий ва ботиний мазмунларни ўзида мужассамлаштиргани билан эътиборлидир.

3. Ўзбек адабиёти узоқ асрларга бориб тақалувчи чуқур илдизга эга. Дунёнинг бошқа халқлари каби ўзбек халқи ҳам олис ўтмишдаёқ бадиий тафаккурнинг ўзига хос намуналарини яратган. Улар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридан ҳам ўрин олган бўлиб, айримларида соқийномага хос белги ва хусусиятлар мавжуд. Қолаверса, мумтоз шеъриятда

соқийноманинг юзага келишида юнон мифологиясидаги май маъбуди – Дионисни шарафлаган қўшиқлар, форс-тожик халқлари орасида кундалик муаммоларни ҳал этиш учун ташкил қилинган махсус май базмлари, сосоний ҳукмдорлар саройида гусанлар томонидан ижро этилган майни мадҳ этувчи қўшиқлар, туркий халқларда узум ва майнинг ҳаётбахшлик фазилатлари улуғланган «Бабахвара», «яса-юсун», «учар пиёла», «сафар коса», «тўра ойини» каби маросим ва удумларининг ҳам у ёки бу даражада таъсири бўлган, албатта. Хуллас, майсеварлик тушунчаси ва кайфиятларининг бадиий ижоддан муҳим ўрин эгаллаши шеърятда янги бир жанр, яъни соқийноманинг пайдо бўлиши билан якун топди.

4. Соқийнома характеридаги шеърларда май ва у билан боғлиқ образлар моддий ҳаёт замиридан олиниб, шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғуларини адабиётнинг бадиий-эстетик тамойиллари асосида таъсирчан юзага чиқариш учун хизмат қилади. Шу сабабли, уларда май ва унинг бир қатор навлари ҳақидаги ўзига хос реал, ҳаётий қайдлар ҳам мавжуд. Қадимги араб шеъриятидаги май мавзуидаги шеърлар ана шу хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Тарихдан яхши маълумки, ислом дини арабларнинг ҳаёт ва турмушлари билан бирга уларнинг ишонч-эътиқоди, туйғу ва тахайюлларини ўзгартиргани туфайли, адабиёт ҳам янги йўналишлар ахтара бошлаган эди. Натижада олдинги айрим мавзулар ўрнини бошқаси эгаллаб, ислом динида май ва шароб таъқиқлангани сабабли ишқ ҳамда шаробдан сўз юритилган шеърлар миқдори камайган эди. Лекин ишқ ва майга чорловчи шеърлар ёзиш умавийлар даврига келиб яна авж олди. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида май мавзуи ёритилган поэтик жанр – хамрият жанри юзага келдики, бунинг ўзига хос сабаби майнинг адабиётда инсон руҳий-маънавий эркинлигининг мажозий тимсоли ўлароқ ифода топганида кўринади. Бу жиҳатдан, Амр ибн Қулзум, Ал-Ахтал ва Абу Нувосларнинг шеърлари характерлидир.

5. У ёки бу жанрнинг дунёга келиб ривож топишида адабий алоқа ва муносабатларнинг ҳам таъсири бўлади. Шу маънода, Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Умар Хайём, Низомий, Ҳофиз Шерозий каби форс-тожик адабиётининг буюк вакиллари асарлари ўзбек соқийномалари учун бир ижодий асос вазифасини ўтаган эди. Айтиш ўринлики, шоҳона май базмларини тасвирлаш форс-тожик адабиётида дастлаб Рудакийнинг «Май онаси» («Модари май») қасидаси ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида етакчи мавқе эгаллаган. «Шоҳнома» таъсирида ёзилган Низомийнинг «Искандарнома» достонида ҳам соқийга мурожаат усули қўлланган байтлар асар мазмуни билан уйғун тарзда ифода этилган. Форс-тожик шеъриятида соқийноманинг дастлабки намунаси ҳам Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони таркибида келтирилган.

6. Ўзбек адабиётида фикрни соқийга мурожаат орқали ифода этиш усули дастлаб номаларда учрайди. Яссавий ҳикматларида ҳам май ва унга боғлиқ тимсоллар, асосан, ирфоний маъноларни акс эттириб, соқийномаларнинг образлар табиатига ўз таъсирини ўтказган. Аммо номалар таркибидаги

соқийномалар мавзу кўламининг кенглигига кўра ҳам мустақил соқийномаларга анча яқин. «Муҳаббатнома» ва «Таашшукнома»даги маснавий шаклида қофияланган шеърлар мавзуи, ғояси ва бадиий-эстетик хусусиятлари жиҳатидан алоҳида мавқе эгаллайди. Улар мумтоз шеъриятда ҳаётсеварлик мотивлари, хусусан, соқийнома жанрига бўлган қизиқишнинг янада ортишига замин ҳозирлади. Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Гадоий, Лутфий, Саккокий каби йирик сўз санъаткорлари ижодида номанавис шоирлардан фаркли ўлароқ май ва ишқ мавзулари ҳамиша уйғун ҳолда тасвирланган. Навоий шеъриятида эса соқийга хитоб билан бошланган байтлар шоир ғазалларининг кульминацион байтлари бўлиб, унда илгари сурилган ижтимоий-ахлоқий масалаларнинг ечими вазифасини ўтаган.

7. Соқийнома моҳиятидаги байтларнинг ўзига хос намуналари «Хамса»да, хусусан, «Садди Искандарий» достонида келтирилган. Бошқа дostonларидан фаркли равишда Навоий «Садди Искандарий»да соқийнома йўналишидаги байтларни қатъий белгиланган тартиб асосида беради. Улар дostonнинг бадиий қурилмасида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаб, шоир дунёқараши, фикрий ва ҳиссий олами, қолаверса Навоий санъаткорлик маҳоратининг айрим қирраларини ҳам намоён қилади ҳамда асар бобларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқасини таъминлайди. Соқий, муғанний ва шоирнинг ўзига хитоб қилинган байтларда буюк мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, маърифий-ирфоний қарашлари ва табиат манзаралари тасвири ҳасби ҳол мазмунидаги фикр-кечинмалари билан уйғун ҳолда ифодаланган. Агар лирик шеърлардаги май ва унга алоқадор образлар соқийноманинг луғат таркибини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлса, «Хамса»даги соқийнома моҳиятидаги байтлар жанрнинг ғоявий-бадиий олами, ифода усули, поэтик тасвир имкониятларини ҳам юзага чиқариш учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилган.

8. XIV – XV асрлар шеъриятида бадиий ижод ва ҳаёт муносабати олдинги асрларга нисбатан сезиларли даражада кучайди. Буни ёрқин акс эттирган қасида, ғазал, қитъа, рубоий каби жанрлар қаторида соқийнома ҳам бор эди. Демак, ўзбек шеъриятида ҳаётини моҳиятнинг юқорилашида соқийнома жанрининг ҳам ҳиссаси бўлган. Ўз навбатида, Алишер Навоий бадиий ижод оламига кириб келиши билан адабиётда ўзгариш, адабий жанрлар ҳаётида илгарилаш, бадииятда таъсир миқёсининг кенгайиши бутун ёрқинлиги билан намоён бўла бошлаган эди. Адабиётимиз тарихида илк мустақил соқийноманинг Алишер Навоий томонидан яратилиши ҳам тасодифий иш эмас эди. Навоий соқийномасида ҳаёт, замон, ўтмиш, хотира, дин, ахлоқ, фалсафа ва адабиётни бир меҳварга бирлаштирган санъаткор сифатида қалам тебратган.

9. Навоий соқийномаси мутафаккир шоир ҳаёти ва ижодий йўлининг айрим муҳим жиҳатлари, ўз даврининг кўзга кўринган давлат ва маданият арбобларига муносабати, қолаверса, ижтимоий-сиёсий қарашларининг баъзи қирраларини ўзига хос йўсинда изоҳлаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Соқийномада автобиографик моҳият устунлик қиладики, унда шоирнинг яқин дўстлари, замондош ижодкорлар, қолаверса замон ва инсон қисмати орасидаги зиддиятлардан ҳам баҳс юритилган. Соқийномадаги мулоҳазалар шоир тазкирасидаги маълумотлар билан қиёсланса, таърифланаётган кишиларнинг фаолияти ва шахсияти ҳақидаги қарашларни бойитади. Асар композицион, семантик-стилистик тузилиши ва бадиий санъатларнинг келтирилиши билан ҳам диққатга молик. Ундаги соқий, жом, май, журъа, майхона каби образ ва тимсоллар тарихий қаҳрамонларнинг руҳий-маънавий дунёсини англантишда ўзига хос очкич вазифасини бажарадики, бу соқийноманинг юксак бадиий мақомини кўрсатувчи яна бир муҳим омилдир.

10. XVI аср ўзбек адабиёти фақат анъанавийлик билан чекланмай, оригинал асарларни майдонга келтириш учун реал ҳаётга янада кўпроқ яқинлашди. Бу эса реал воқеликка таяниш, бадиий асар тилининг олдингига нисбатан соддароқ ва осон тушунилишига олиб келди. Бу даврда ўзбек адабиётининг таъсир доираси янада кенгайиб, у нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки бошқа Шарқ халқлари орасида ҳам муҳим мавқега эга бўлди. Унинг баракали таъсири, айниқса, Муҳаммад Фузулий ижодида ёрқинроқ кўринади. Лекин Фузулий бекиёс асарлари билан кейинги давр ўзбек адабиёти ривожига таъсир кўрсатдики, натижада XVII – XIX асрлар мобайнида яшаб ижод этган ўзбек шоирлари Навоий қаторида Фузулий ижодиётидан ҳам илҳомландилар. Бу ўзбек адабиётидаги соқийномалар тараққиётида ҳам кўзга яққол ташланади.

11. Адабий жанрлар XVII – XIX асрлар тараққиётида ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан такомиллашиб борди. Жумладан, ғазалнинг ижтимоий мазмун кўлами, образлар тизими кенгайди, унда бадиий усул ва восита миқдори ортди. Соқийнома-ғазалларда тушкунлик ва умидсизлик ҳолатларига қарши ҳаётсеварлик, эртанги кунга умид ғоялари илгари сурилди. XIX аср адабиёти фақат ғоявий-эстетик жиҳатдангина эмас, балки жанр ранг-баранглиги билан ҳам юксалишга эришди. Поэтик жанрларнинг янги қирралари ва имкониятлари кашф этилди. Бу даврда ғазал, рубоий, қитъа каби жанрлар, асосан, сатирик ва юмористик асарлар ёзиш учун ўнғай бўлган бўлса, ижтимоий-сиёсий, маърифий-ирфоний мазмунлар ифодаланган соқийномалар маснавий, мураббаъ, мусаддас, таржеъбанд шаклларида яратилди. Жумладан, Огаҳийнинг мураббаъ-соқийномаси мазкур жанрнинг ўзига хос намунаси бўлса, Мирий, Мажзуб ва Нодимларнинг асарлари таржеъбанд-соқийноманинг ёрқин мисолидир. Табибий, Аваз, Ғулом Расулхўжа ва Қоризийларнинг соқийномалари эса анъанага мувофиқ маснавий шаклида битилган. Шунингдек, бу даврда ғазал-соқийнома, рубоий-соқийнома, мусаммат-соқийнома каби соқийнома шеърларнинг ранг-баранг кўринишлари яратилган. Султоний ўз шеърини Огаҳий соқийномасига назира сифатида ёзган бўлса, Оқилнинг асари мусаддасда битилган. Равнақнинг тўртлик-соқийномаси мазкур жанр имкониятларини янада кенгайтиради.

12. XVI – XIX асрларда ижод қилинган соқийномалар мавзуига кўра ҳам хилма-хилдир. Огахий соқийномасида ишқий-фалсафий, маърифий-ирфоний мавзулар ёритилса, Табибий ва Аваз соқийномаларида ижтимоий-ҳаётий масалалар акс этган. Шунга кўра, улар Навоий соқийномасига мазмунан яқин. Бу жиҳатдан Мирий ҳам уларга издош. Шоир соқийномасида замон ноҳақликларидан азият чеккан ижодкор қалбнинг арзу аҳволи баён қилинган. Мажзуб соқийномаси ҳам қофияланишига кўра Мирийникига ўхшаш. Аммо у тили, тимсоллари, услуби ва оҳанги билан ўзбек адабиётида яратилган мазкур жанр намуналаридан алоҳида ажралиб туради. Табибий ва Аваз соқийномаларини атрофлича тадқиқ этиш нафақат мазкур асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини, балки XV асрдан кейин ўзбек адабиётида яратилган соқийномалар, уларнинг ўзаро муштарак ва фарқли белгилари, қолаверса, мазкур намуналарга Алишер Навоий соқийномасининг таъсири масалаларини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

13. Шарқ адабиётидаги бошқа поэтик жанрларга нисбатан соқийномада умуминсоний ҳис-туйғу ва рухий ҳолатлар кенгрок ёритилган. Шунинг учун соқийномахонликда диний, миллий, мафкуравий чекланишлар деярли кўзга ташланмаган. Шу билан бирга соқийномада ҳаётдаги ўткинчи шодлик, сохта ҳою ҳавас, нафсоний орзу ва қувончларга умуман жой берилмаган. Бу эса мазкур жанр тарихи ва тақдиридаги ниҳоятда ибратли бир жиҳатдир. Соқийномаларда ҳаётий мантик, фалсафий руҳ етакчилик қилади, қолаверса чуқур мулоҳазакорлик, шунингдек ёритилаётган масалаларнинг моҳиятан панд-насихат мазмуни билан мувофиқликда ифодаланиши уларнинг хос табиатини далиллайди. Одамлар қалбидаги тушкунлик, бадбинлик ва умидсизлик кайфиятини йўқотишда бу жанр алоҳида таъсир ўтказган.

14. Ҳақ ва ҳақиқатга ташна, эрксевар, ҳурфикрли, некбин руҳ соҳибининг ҳаётий кузатишлари, хулосалари ифода этилган соқийномалар адабиёт тарихида ғоятда муҳим ўрин тутди. Уларда ринд ва риндлик ҳоли, ҳақиқий ишқ жазбаси, комиллик мақоми ижтимоий турмуш манзаралари ва муайян тарихий шахсларга муносабат орқали талқину таҳлил этилади. Туркий адабиётда илк намуналари XII – XIII асрларда пайдо бўлган соқийномалар XV асрда мустақил шеърӣ жанр сифатида тараққий этди. Илк соқийномаларда шод-хуррамлик кайфияти улуғланган бўлса, аста-секин уларга ахлоқий ва маърифий мазмунлар ҳам кириб келган. XIX аср ўзбек адабиётида яратилган соқийномаларда эса диний, тасаввуфӣ фикр-қарашлар ва ижтимоий воқелик тасвирининг ўзаро уйғунлашиб кетгани кўзга яққол ташланади. Соқийномага хос тасвир йўли ва ифода тарзи замонавий ўзбек адабиётида ҳам у ёки бу шаклда давом эттирилди. Умуман, ўзига хос шаклланиш босқичларига эга бўлган соқийнома жанри адабиёт тарихида бир неча шеърӣ жанр ва шаклларнинг тараққиётида, бадиий адабиётнинг мавзу, мазмун ва оҳанг жиҳатдан бойиши, янги ифода ва ўзига хос адабий анъаналарга эга бўлишида ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

АСАДОВ МАКСУД ХУСЕНОВИЧ

**САКИ-НАМЕ В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ
(ГЕНЕЗИС, ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ, ПОЭТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ)**

**10.00.02 – Узбекская литература
(филологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером № В2018.1.DSc/Fil123 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на двух (узбекский, русский) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.tai.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Хаккулов Иброхим доктор филологических наук
Официальные оппоненты:	Тухлиев Бокижон доктор филологических наук, профессор
	Абдукодиров Абдусалом доктор филологических наук, профессор
	Каримов Баходир доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: uzltafi@academy.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 100100, г. Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(Протокол реестра рассылки 2020 _____ от «___» _____ 2020 года)

Н.Каримов
